

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАҲШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O’RNI.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хушнудбек Мамадалиев,
Ўзбекистон тарихи давлат
музейи илмий ходими,
Saidakbar201209@mail.ru

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

For citation: Khushnudbek Mamadaliev, THE EMERGENCE OF "NEW CITIES" IN THE FERGANA VALLEY AND CHANGES IN THEM. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.141-151

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-19>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Қўқон хонлиги Россия империси томонидан тугатилган Фарғона водийсида янги бошқарув тизимига эга бўлган “Янги шаҳар”лар, руслар яшайдиган қишлоқлар ва рус манзилгоҳларини ташкил этилиш масаласининг тарихий аспектини ёритган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: “Янги шаҳар”, “Эски шаҳар”, ўрда, мудофа девори, уезд, волост, урбанизация, рус манзилгоҳлари

Хушнудбек Мамадалиев,
Государственный музей история
Узбекистана, Исследователь
Saidakbar201209@mail.ru

ВОЗНИКНОВЕНИЕ «НОВЫХ ГОРОДОВ» В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ИЗМЕНЕНИЯ В НИХ

АННОТАЦИЯ

В статье автор исследует исторические аспекты возникновения «новых городов», русских деревень и русских поселений в Ферганской долине, возникших после отмены Кокандского ханства Российской империей. Этот аспект номера служит дополнительным материалом для работ, публикуемых на международной арене

Ключевые слова: «Новый город», «Старый город», орда, оборонительная стена, уезд, волость, урбанизация, русские поселения.

Khushnudbek Mamadaliev,
Researcher, State Museum
of History of Uzbekistan,
Saidakbar201209@mail.ru

THE EMERGENCE OF "NEW CITIES" IN THE FERGANA VALLEY AND CHANGES IN THEM

ANNOTATION

In the article, the author examines the historical aspects of the emergence of "new cities", Russian villages and Russian settlements in the Fergana Valley, which arose after the abolition of the Kokand Khanate by the Russian Empire. This aspect of the issue serves as an additional material for works entering the international arena.

Key words: «New city», «Old city», horde, defensive wall, district, volost, urbanization, Russian settlements.

1. Долзарблиги: Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тараққиётида янги босқич бошланди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар доирасида шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда илк бор «Шаҳарсозлик кодекси» қабул қилинди, деярли ҳар бир йирик шаҳарнинг қурилиш режаси ишлаб чиқилди. Шаҳарларнинг ривожланиш истиқболини белгилашда уларнинг ўтмишини чуқур ўрганиш, ривожланиш анъаналарини тиклаш, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим вазифага айланди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик маданияти ривожига сўнгги ўрта асрлар, ундан кейинги XIX-XX аср бошларидаги даври муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда бу давр шаҳарсозлик маданияти тарихига янгича илмий қарашларни ишлаб чиқиш, шаҳарларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда илм-фан ва маданият марказлари сифатидаги аҳамиятини кўрсатиш, бугунги давр шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиқ бериш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу даврдаги шаҳарларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотларни маълум ҳудудлар ва вилоятлар бўйича умумлаштириш ҳолати ҳам махсус таҳлилга муҳтож. Мавжуд манбалар ва маълумотлар Фарғона водийсининг XIX-XX аср бошларидаги шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари марказлари, иқтисодий ва технологик янгиликлар масканлари сифатида янада чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Қўқон хонлигини Россия империяси томонидан босиб олинган, водий шаҳарлари ҳаётидаги ўзгаришлар, янги шаҳарлар, рус қишлоқлари, рус манзилгоҳларининг вужудга келиши, масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Фарғона водийси шаҳарларининг XIX-XX асрнинг бошларидаги тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир манбалар, архив материаллари, илмий адабиёт ва тадқиқотларни даврига қараб туркумлаштирган ҳолда кўриб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга бўлинди: 1.XIX асрда Қўқон хонлиги тарихи бўйича маҳаллий муаррихларнинг асарлари[1], 2.Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид тадқиқотлар ва архив маълумотлари[2], 3.Совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар ва нашр этилган асарлар [3], 4.Мустақиллик йилларида мавзуга доир нашр этилган тадқиқотлар [4], 5.Хорижлик муаллифларнинг асарлари[5].

3. Тадқиқот натижалари:

XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийси шаҳарлари радиал-концентристик (радиус бўйлаб битта марказга эга бўлган) тузилишга эга бўлган. Шаҳарлар хом ғишт ёки пахсадан бино қилинган доирасимон мудофаа деворлар билан ўраб олинган бўлиб, бир нечта дарвозалардан ўтган асосий кўчалар орқали шаҳарнинг марказига борилган. Марказда эса ҳашаматли ва маҳобатли бинолардан ҳукмдорнинг ўрдаси, катта мадрасалар, хонақоҳ ва масжидлар бўлган. Бу бинолар бир ёки икки қаватли, аксар ҳоларда пишиқ ғишдан барпо этилган бўлиб, улар ҳовли ва унинг атрофида қурилган уйлардан иборат бўлган. Бу бинолар

ўзларининг катта ҳажмлари, меъморий маҳобати, пештоқларининг ёрқин безаклари билан атрофидаги бир қаватли лойдан қилинган уйлардан ажралиб турган.

Маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллалар катта йўллардан ажралиб чиққан майда ва тор кўчалардан иборат бўлган. Маҳаллаларнинг энг гавжум жойи маҳалла ҳовузи атрофи ва масжиди бўлган.

1876 йили хонликка барҳам берилгандан сўнг водий шаҳарлари, яъни Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Чимиён, Намангон ва Чуст уездларга бўлинди[7]. Бу шаҳарларнинг аксариятида “янги” қисмларнинг қурилиши бошланиб кетди. Янги рус маъмурияти ва ҳарбий гарнизон бу шаҳарлардаги хон ёки бекларнинг қаср ва истеҳкомларида жойлашган эди. Ҳукуматдан четлаштирилган маҳаллий ҳукмдорларнинг мулклари Россия давлати мулкига айлантирилди. Бироқ, маҳаллий аҳолининг мулк ва бинолари дахлсиз бўлган. Рус маъмурияти зарур бўлган ҳолда уларни ижарага олган ёки сотиб олган.

Руслар босқинидан кейин рус ҳарбий муҳандислари руслар яшайдиган манзилгоҳларни шаҳарларнинг эски қисмида лойиҳалаштириб, жойлаштирганлар. Бу манзилгоҳлар “рус” ёки “янги шаҳар” деб аталган. “Эски” ва “янги” қисмдан иборат шаҳарларни “икки структурали” ёки “икки қисмли” шаҳар дейиш мумкин[8]. Фарғона водийсидаги барча шаҳарлар Янги ва Эски Марғилондан ташқари шундай “икки қисмли” бўлган. Рус муҳандислари европалик аҳоли учун жойларни махсус ҳайъат ва танланган жойнинг санитария-иқлим шароитини текшириб берган мутахассис иштирокида белгилаганлар.

Ўрганилаётган даврда водий шаҳарсозлигидаги ўзгаришлар Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши билан узвий боғлиқ. Самарқанд-Тошкент-Андижон йўналишидаги темир йўлининг ишга тушиши натижасида водий минтақанинг шиддатли маҳсулот айрибошлаш жараёнига тортилди ва бу ерга арзон қурилиш материалларининг олиб келинишига ҳам сабаб бўлди. Минтақа товар ва пул айрибошлашига асосланган капиталистик муносабатларига тортилди. Бу даврда Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг “янги” қисмларида савдо-саноат ва уй-жой қурилиш ишлари анча ривожланди[9].

Мутахассислар ўлкадаги темир йўл қурилиши билан боғлиқ ҳолда водийдаги шаҳарсозликни икки даврга бўлганлар. Биринчи давр, XIX асрнинг охири чорагини ўз ичига олиб, бу даврдаги рус шаҳарлари асосан маҳаллий қурилиш материаллари асосида барпо этилган. Иккинчи давр эса, XX асрнинг 20-йилигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда темир йўл орқали олиб келинган арзон қурилиш материаллари асосида шаҳарлар бино этилган, баъзи қурилиш молларини шу ерда ҳам ишлаб чиқариши йўлга қўйилган.

Фарғонанинг етти асосий шаҳарлари Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Чуст, Янги Марғилон, Риштон умумий бўлган тамойиллардан ташқари, шаклланиши ва ривожланиши бўйича ўзига хос бўлган тузилишга ҳам эга бўлган.

Фарғона водийсида энг катта шаҳарлардан бири бу Қўқон (манбалардаги Хавоқанди латиф – латиф Хўқанд[10]) бўлган. Унинг шаҳристони 19 км.лик хандақ ва мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, 12 дарвозаси бўлган[11]. Шаҳарнинг иккита маркази - бири ҳукмдор Ўрдаси атрофида, иккинчиси Чорсу бозорининг майдонида бўлган шу марказларда мадраса ва Жоме масжиди жойлашган эди.

Қўқон шаҳри 1876 йилдан Фарғона вилоятининг мамурий марказига айланди. Босқинчиларнинг ҳарбий бошқаруви, гарнизони ва маъмурияти шаҳарнинг энг обод жойи Худоёрхоннинг 1870 йили бино қилган Ўрдасида жойлаштирилди. Кейинроқ хон ўрдасининг жануби-ғарбий қисмидаги ҳудуда русларнинг истеҳкоми барпо этилди. Ўрданинг мудофаа девори Генерал Скобелев фармони билан “ерли аҳолини кўрkitиш учун” бутунлай портлатиб юборилди[12].

1876 йилнинг охирида Қўқоннинг иқлими, шароити ва санитария ҳолатининг ёмонлигидан (албатта руслар нуктаи-назаридан) ҳарбий бошқарув Янги Марғилонга кўчирилди. Қўқонда кичик бир гарнизон қолдирилиб, у уезд марказига айлантирилди. Бироқ, Қўқон аҳолисининг сони, савдонинг ривожини ва ишлаб чиқариш бўйича водийда етакчи

ўринни эгаллаган. 1883-1884 йилларда шаҳар янги қисмининг бош лойиҳасини ишлаб чиқариш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун эски шаҳарга яқин жой танланди. Тиббиёт ходимлари бундай маъқул жой учун шаҳарнинг жанубида жойлашган Авғонбоғни танладилар. Лекин, маъмурият шаҳарнинг эски қисмидаги хон Ўрдаси атрофини маъқуллади. Баъзи олимлар рус маъмуриятининг бу қарорини хато, тез иқтисодий фойдани кўзлаб килинган иш деб, хулоса қилганлар. Бу қарор шаҳарнинг кейинчалик “эркин” ривожланишига монеълик қилган[13].

Шаҳарнинг ривожланишига шаҳар “эски” қисмидаги ер нархининг ошиб бориши тўсқинлик қилган. Фикрмизча, бунинг асосий сабаби босқинчиларнинг шаҳар марказини эгаллаб худди шу жойда эски ҳукмдор ҳукумати биносидан янги маъмуриятини барпо этиб, маҳаллий аҳолига куч-қудратини кўз-кўз қилишдан иборат эди. Босқинчилар Ўрдадаги жой етарли бўлганидан у ерда ҳарбийларни, маъмуриятини жойлаштириб, черков (қабулхона ва тахт турган хонада), эркалар ва аёллар учун гимназия, телеграф, почта ва бошқа хизматларни ташкил этди[14]. Водийнинг бошқа шаҳарларида русларнинг “янги шаҳар” қисмлари шаҳарнинг чеккасида барпо этилиб, алоҳида истеҳкомлар ва турар-жойларнинг кўпроқ қурилишига олиб келди.

XX асрнинг бошларига келиб Қўқон шаҳрининг “янги қисми” (рус қисми) тўғрибурчакли кўчалардан иборат бўлиб, улар ғарбга қараб Розенбах шоҳкўчаси бўйлаб ёйилган эди. Розенбах кўчасининг ўртасидан жанубга қараб темир йўли вокзали томон Скобелев проспекти бўлган. Шаҳарнинг маъмурий ва жамоат маркази Ўрда атрофида, икки шоҳкўча бурилиши жойида эса шаҳарнинг савдо маркази жойлашганди.

XX асрнинг 10-йилларида шаҳар меъмори М.Мауэр шаҳарнинг асосий планини тузади. Унинг таклифига биноан Розенбах кўчасининг икки тарафи тўғри бурчакларга бўлиниб, уни кесиб ўтадиган кўчалар ўтказилиши керак эди. Шаҳарнинг “эски” қисми эса тўртта доира шаклида Ўрдадан Чуст, Риштон, Сўх ва Авғон дарвозаларига олиб борадиган кўчалар билан кесилиши лозим эди. Шунда Ўрда маркази яна Пиён бозор, Гўшт бозор орқали Чорсуга уланиб қоларди. Марказ тез ва қулай ҳолатда шаҳарнинг чеккалари билан алоқа ўрнатиши осон эди. Бироқ М.Мауэрнинг бу режаси молиявий сабабларга қўра амалга ошмай қолди[15]. Фарғона водийсида руслар тарафидан алоҳида махсус режа билан барпо этилган шаҳарлардан бири Янги Марғилон (бугунги Фарғона) шаҳридир. Рус ҳарбий маъмурияти Қўқон шаҳри иқлимидан соғлиқ учун зарарли, водийнинг жуғрофий марказидан узоқ деб топди. Фарғона губернатори қарори билан махсус комиссия вилоятнинг янги маркази учун санитар ва ҳудудий жиҳатлардан мос келадиган жойни танлаши лозим эди. Губернатор Скобелевнинг талабига биноан Эски Марғилоннинг ёнидан бир майдон танлаб олинди[16].

Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман бу қарорни маъқуллаб, комиссиянинг баённомасига “Вилоят шаҳари Марғилонда барпо этилсин ва у ерда имкони борича каттароқ захирамиз жойлаштирилсин...” деган резолюция қўйди. 1876 йил 13 апрелдаги Олий буйруққа биноан вилоят маркази Қўқондан Марғилонга кўчирилди.

Қайд этиш керакки, Рус маъмуриятининг вилоят янги марказини танлаш ва уни барпо этишда архив маълумотлари қизиқарли маълумот беради. Марғилон 1875 йили сентябрь ойида босқинчилар томонидан эгалангач, кейинги йили баҳоридан унинг жанубий деворлари яқинида янги шаҳарнинг қурилишини бошладилар. Аввал Янгиқўрғон (Тупрокқўрғон)да шаҳар деворидан 170 сажан (357м.) узоқликда, Жилмон ва Ёйилма дарвозалари яқинида русларнинг дастлабки ҳарбий истеҳкоми қурилди.

Янги Марғилоннинг маъмурий ва жамоа марказини Тошкент шоҳкўчасида жойлашган 83 минг кв.метр ҳажмдаги катта майдон ташкил қиларди. Шу майдон атрофида парк, губернатор уйи, губернатор ёрдамчисининг уйи ва бошқа бинолар жойлашган эди. Шу ердан Губернатор кўчаси орқали бозор майдонига ва катта оммавий паркка олиб борувчи йўл ўтган.

Янги Марғилон Тошкент ва Самарқанддан фарқли равишда катта ва кенг майдонда жойлаштирилди. Шахсий уй-жойларнинг кенглигидан уларда боғ ва ҳовузлар қуриш тавсия этилди. Яхши ва шинам бинолар қурадиганларга энг яхши ҳовли берилди. Уларнинг эгалари

икки йил ўтмасдан қурилишни тугатиб, боғ барпо этишга киришишлари керак эди. Хом ғиштдан уй қурилиши учун фақат тошли ёки пишиқ ғиштдан фундаменти бўлсагина ижозат берилди. Режа ва биноларнинг ташки кўринишлари қурилиш бўлимларида муҳокама қилинган. Уйлар олдидан оқиб ўтган ариқлар бўйларда дарахтлар ўтказиш мажбурий эди[17].

Янги Марғилон водийдаги русларнинг маҳаллий аҳолидан алоҳида жойлашган ва фақат битта Европа қисмидан иборат бўлган шаҳри эди. Унинг қурилишининг биринчи босқичида барча жамоа, маъмурий ва савдо марказлари, шаҳар хиёбони барпо этилди. Янги Марғилон обод, кўкламзор ва салқин шаҳарга айланди. Бироқ, иккинчи босқичда шаҳар темир йўлдан узоқ бўлганлиги учун, савдо-саноат муносабатларининг ривожланиши даврида бошқа шаҳарларидан анча орқада қолди. Қўқон, Андижон ва Наманганда янги тузумга хос бўлган услубдаги бинолар кўпроқ қурила бошлаган даврда, Янги Марғилон Фарғона вилоятининг расмий ҳарбий-маъмурий маркази сифатида фаолият олиб борарди, холос. Бу шаҳарда фақат маданий ҳаёт юқори суръатда ривожланган эди (бу ерда кутубхоналар, турли жамиятлар, музей бўлган, артистларнинг тез-тез чиқиш бўлиб турган).

Эски Марғилоннинг XIX аср охирида 12 дарвозаси бўлган[18], Шаҳар маркази қалъанинг шимолида жойлашган эди. Руслар босқини даврида шаҳар муҳофаа девори анча бузилган бўлсада бироқ, у боғу-роғлар соясида кўмилиб кетган, тоза ва обод шаҳар бўлган. Шаҳарда энг обод ва гўзал жой хон боғи бўлган. Бу боғ Худоёрхон даврида европача услубда, кенг хиёбонлари билан барпо этилиб, турли мевали дарахтлардан алоҳида-алоҳида боғчалари бўлган. Биргина узумларнинг 20 дан ортиқ нави шу боғда парвариш қилинган. 1890 йилдан кейин бу ерда янгимарғилонлик (европаликларнинг) оммавий сайиллари, томошалари бўлиб турган[19]. Аҳоли боғдорчилик, ғаллачилик билан бир қаторда жун, қоғоз ва ипак матолар тўқиши билан машғул бўлганлар[20].

Эски Марғилон ниҳоятда секинлик билан ривожланган. Россия мустамлакачилик маъмурияти унинг ободончилиги ва ҳар томонлама тараққий топишига кам аҳамият берарди. Унинг саноати ҳам орқада эди. 1890 йилгача бу ерда битта пахта тозалаш заводи ва бир нечта терига ишлов берадиган косибчилик корхоналари бўлган холос.

Фарғона водийсидаги яна бир катта шаҳри Андижондир. Шаҳар 40° 49' 49" шимолий кенглик ва 41° 58' 38" шарқий узунликда, денгиз сатҳидан 1500 фут баландликда жойлашган. 1876 йили январида Андижон ва ундан узоқ бўлмаган Асака қалъаси руслар томонидан босиб олинган, Андижон уезд шаҳари сифатида Фарғона вилояти таркибига кирди.

1877 йили “Рус Андижон”и номини олган шаҳарнинг европача қисмини қуриш режалаштирилди ва у шаҳарнинг жануби-шарқидаги бир тепаликда барпо этилди. Орадаги майдонда бир уезд шаҳарчасини барпо қилиш мумкин бўлган. Гултепада жойлашган қалъадан шаҳарнинг эски қисмигача кенг ва тўғри бир шоҳкўча (бугунги Навоий шоҳкўчаси) ўтказилди. 1879 йили Андижон ва Ўш шаҳарларининг меъмори қилиб инженер-поручик Неминуций тайинланганидан сўнг янги шаҳарнинг қуриш ишлари тезлашиб кетди[21].

Рус кўшинлари ва ҳарбий маъмурияти хоннинг иккита ўрдаси ва Гултепа қалъасида жойлашди. Шаҳарнинг шимол-шарқида хоннинг каттагина боғи бўлган. 1884 йилгача бу ердаги ўрдада аввал уезд бошлиғи яшаган, шифохона ҳам шу ерда бўлган. Туркистон артиллерия бригадасининг 3 батареяси аскарлари шу боғда жолаштирилди. Шаҳар ўртасидаги ўрдага аввал черков, лазарет ва 16 та батальон ротаси жойлаштирилди. Шаҳарнинг эски қисмида шу даврда 30 минг аҳоли яшаган ва уларнинг аксарияти қипчоқлар эди.

1891 йили рус муаллифларидан бири Андижоннинг янги қисмини барпо этишда ичимлик суви таъминотига аҳамият бермаслик натижасида ҳамма ишнинг пачаваси чиқди, деб ёзган. Ваҳоланки бу учун маблағ ва имконият ҳам бор эди, деб таъкидлайди. Муаллиф маъмурият рус шаҳри учун алоҳида ариқ ўтказиши лозим эди, энди 1891 йилда барча маблағлар талон-торож қилингандан сўнг бундай имконият қўлдан кетганига алоҳида урғу беради.

Шаҳарнинг қайта қурилиши, кўчаларининг кенгайиши, шаҳарнинг янги қисмининг саноат технологияси жиҳатидан юксалиши, темир йўлнинг мавжудлиги шаҳарнинг тез ривожланишига, маҳаллий, рус ҳамда хорижий фирма ва ширкатларнинг кўпайиши ва ривожига сабаб бўлди. Вокзалдан черковгача бўлган масофада пишиқ ғиштдан савдо расталари, меҳмонхоналар, банкларнинг бинолари қад кўтарди. Шаҳарнинг савдо маркази шу жойда шакллана бошлади. Шаҳарнинг ғарбида катта саноат худуди пайдо бўлди. Турмуш ва ҳаётда Европа маданиятига хос бўлган аломатлар кўпроқ кўзга ташлана бошлади. 1905 йилида қурилган кичик бир электростанция шаҳарнинг янги қисмини электр нури билан тامينлади. 1915 йили Троицк кўчасига тош ётқизилди, суткада 400 челаққа мўлжалланган ичимлик суви ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Шаҳарнинг марказий кўчаларининг чорраҳасида янги мажмуалар, шаҳарсозликнинг янги ғоялари асосида қурилган бичимлар, қарама-қарши тарзда қурилган бир хил бинолар, гўзал безаклари билан пайдо бўлади. Бундай Европа ва Россиядаги амалда бўлган меъморий кўриниш XX аср Адиджон шаҳарсозлигида ҳам намоён бўла бошлади. Уларнинг ичида яққол кўзга кўрингани ташқи кўриниши ва ҳажм жиҳатидан ечими бир хил бўлган икки қаватли савдо-сотик ва меҳмонхона типидagi бинолар бўлган.

Шундай қилиб, XX аср бошларидаги Адиджон шаҳарсозлигида, биринчидан, функционал зоналарнинг аниқ дифференциацияси, яъни савдо ва жамоат марказлари, аҳоли яшайдиган жой, парклар ва саноат туманларининг алоҳида шаклланишини, иккинчидан, ифодали шаҳарсозлик мажмуалари ва шакллариининг пайдо бўлиши, уларнинг миқдори ва бадий даражаси Адиджон шаҳарсозлигини водийнинг бошқа шаҳарларидан ажратиб қўяди. Водийнинг яна бир шаҳри Наманган, 40° 59' шимолий кенглик, 41 ° 17 ° 36 ° ° шарқий узунлигида, 1500 фут денгиз сатҳидан баландликда, Янги ариқ бўйида жойлашган. Янги ариқни 1816-1821 йиларда амир Умархон ҳашар усули билан барпо эттирган бўлиб, узунлиги тахминан 80 верстга тенг. Янгиариқ то Наманганга келгунича ундан 55 та ариқ сув олиб, унинг суви 47 та тегирмонни ҳаракатга келтирган. Ундан 16 кишлок ва 36 та қипчок кишлоклари сув билан таъминланган[22]. Шу даврдан бошлаб Наманган шаҳри кенгайиб, ривожлана бошлаган. Босқинчилар уни 1876 йилда босиб олган ва уезд шаҳрига айлантирган. Русларнинг маъмурияти ва ҳарбий гарнизони эски Наманганнинг ғарбида жойлаштирилди.

XIX асрнинг охириги чорагида Наманган шаҳрининг янги қисмида тўғри ва кенг кўчалар яхши аэрация, ягона маъмурий, савдо, ибодат, саноат марказига эга бўлган шаҳар барпо этилди. Бироқ кўп вазифали шаҳар марказида саноат худудининг пайдо бўлиши шу давр Наманган шаҳарсозлигининг салбий томони бўлган.

XIX асрнинг охирида вилоятга темир йўлнинг ўтказилиши билан Наманган саноати ҳам ривожланиб кетди[23]. “Рус Наманган”и пахта марказига айланди, завод ва фабрикаларнинг сони ошиб борди. Шаҳарнинг янги қисмини кенгайиши учун уезд бошлиғи Арванитаки 1899 йилда Янги ариқ ва Розенбах ариқлари орасидаги бўш 37 гектарли майдонда ҳар бири 113 та ҳовлидан иборат 10 та даҳа барпо этишни таклиф қилди. Бу имтиёзлар европаликларга икки йил давомида ҳақини тўлаш шарти билан уй-жой учун берилди. Натижада янги шаҳар эски қисм билан тутшиб, маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмни шимолга қараб кенгайишини олдини олди.

XX асрнинг бошларида Наманганнинг XIX асрнинг охирларида шаклланган ягона ва кўп вазифали ўзагидан шаҳарнинг яқин атрофида жойлашган маъмурий, жамоа ва савдо марказлари ажралиб чиқди. Шаҳарнинг саноат зонаси ҳам шаҳар чеккасига олиб чиқилгани унинг тузилмаси ва экологик ҳолатини яхшилашга олиб келди. Наманганнинг янги шаҳари қурлиши жараёни, меъморий ғояларининг ечими ва амалга татбиқи уни вилоятнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туришига сабаб бўлди.

Шаҳарнинг кўчаларига водийнинг рус шаҳарларига ўхшаб фақат русча номлар қўйилган эди. Наманган янги шаҳарида 1905 йилга келиб Баронская, Пушкинская, Грановская, Головачевская, Кауфманская, Аверьяновская, Петербургская, Московская, Киевская, Новгородская кўчалари бўлган[24].

Чуст 1877 йили Фарғона вилоятининг Чуст уезди марказига айлантирилди. Русларнинг гарнизони ва ҳарбий маъмурияти собиқ бекнинг қалъасида жойлаштирилди. Босқинчилар қалъа муҳофаа имконини кенгайтириш ва кучайтириш учун унинг шимоли-шарқида катта йўлга қаратиб барбет қилдилар. Истеҳкомнинг жануби-шарқида Чуст бозорига қараб ҳам барбет қуриш режалаштирилди, қалъа олдидаги майдонни бўшатиб, майдороқ эспланада барпо қилдилар. Рус врачларнинг маслаҳати билан бозор майдонидан 2 км. узокликда русларнинг янги шаҳри учун 10 гектар жой танланди. Муҳандис А.Рыжиков лойиҳаси асосида бу жойда Чустнинг аҳолиси учун шаҳар барпо этила бошлади.

1879-1880 йиллари янги шаҳарнинг асосини иккита Т-шаклида жойлашган кўчалар ташкил қилди. А.Рыжиков лойиҳасида давлат муассасаларининг биноларидан уезд маъмурияти, судьянинг хонаси, қамоқхона, шифохона, казарма ва уй-жойлар қурилиши ҳам режалаштирилган эди[25]. Собиқ бекка тегишли барча ерлар уезд ҳокими уйига бириктирилиб, парк ва боғи сақлаб қолинди. 1887 йили Чуст уезди Наманган билан қўшилди ва Чуст чекка шаҳарга айланди. У ерда фақат участка пристави бўлган. Чустнинг янги шаҳар қурилиши анча сусайиб кетди. Бу шаҳарда русларнинг ҳатто черкови бўлмаган. 1901 йили рус мактабининг девори мустаҳкамланиб, томи таъмирлангач ибодат уйи очилди.

XX асрнинг бошларида Наманган ва Чуст шаҳарлари пахта ишлаб чиқариш марказига айланиб, савдогарлар ва тадбиркорлар диққатини торта бошлади. 1912 йили Қўқон-Наманган темир йўли Чуст шохобчасининг қурилиши, пахта тозалаш заводларининг кўпайишига олиб келди.

Чуст шаҳарининг кенгайиши темир йўл ва вокзал томонига қараб амалга оширилди, шу тарафда саноат ҳудуди барпо этилди. Чустнинг руслар шаҳрида баъзи ободончилик ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўчаларнинг бир қисмига тош ётқизилди, кўчалар керосин лампалар билан ёритиладиган бўлди.

1887 йилдан уезд маркази Наманганга кўчирилгач, Чустнинг руслар яшайдиган янги қасми аста-секинлик билан ривожлана бошлади. Бу ривожланиш XX асрнинг бошларида темир йўл келиши билан бироз жонланди, ободончиликка аҳамият берила бошлади. Рус маъмурлари Косон, Қамишқўрғон, Олмос қишлоғи, эски Ахсини дам олиш учун қулай деб белгилаб, истироҳат, байрамлар ва ёзнинг иссиқ кунларида шу ерларга дам олишга боришганлар.

Фарғона водийсининг шарқида Оқбўра дарёсининг икки томонида жойлашган Ўш шаҳри XVIII асрда Қўқон хонлиги таркибига кирди. 1876 йили бу қадимий шаҳар ҳам Туркистон генерал губернаторлигининг Фарғона вилояти таркибига киритилди. Ўш шаҳарининг савдо ва стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб босқинчилар бу ерда катта гарнизонларини жойлаштирдилар. Рус ва европаликлар учун мўлжалланган янги шаҳар эски Ўшнинг жанубида, Оқбўра дарёсининг чап томонида истеҳком қуриш билан бошланди. 1911 йилдаги шаҳарнинг режасига қараганда унинг янги қисми шаҳарнинг марказидаги катта майдонни эгаллаган. Унинг трапеция шаклидаги тузилиши ўртасида казармалар, қолган жойларида хўжалик бинолари қурилган эди. 1891 йилгача руслар шаҳри 1 верст узунликдан иборат бўлиб, Оқбўра дарёси билан қарама-қарши томонда бир кўчадан иборат бўлган[26]. 1880 йили қалъадан унча узок бўлмаган масофада уезд бошлиғининг уйи, 22 800 кв.м. майдонда эса Жоме майдони, жануброқда эса 1910 йилигача черков вазифасини ўтаган ибодат уйи қурилди. Ундан шимолда диний мактаб, ҳарбийлар учун турар жой, атрофида эса маъмурий бинолар қурилди.

XX асрнинг бошларида Ўшнинг “руслар шаҳри” эски қисм билан қўшилиб кетди. Руслар шаҳарнинг жанубий қисмидаги ҳарбий лагерларга жойлашдилар. Шаҳарнинг шарққа қараб кенгайишига Оқбура дарёси монелик қилган. Дарёнинг ғарбий соҳилида руслар хиёбон бино қилдилар. Ўшнинг янги қисмида биттагина меҳмонхона биноси, магазин ва дўконлар, савдо расталари бино этилди. Шаҳарнинг ғарбида Верхний (Пиён)бозор ҳам бўлган.

Бу ерда саноат ҳудудлари, завод ва фабрикалар ҳам бўлмаган. Унда биттагина Орлов деган тадбиркорнинг пиво заводи (шаҳар хиёбонининг жанубида) бўлган. 1913 йили Ўш шаҳрида 915 рус аҳоли, эски қисмида эса 44 мингдан ортиқ аҳоли яшаган. Ўш темир йўл

ва муҳим саноат марказларидан узоқ бўлганидан XX асрнинг бошларида ҳам чегарадаги ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган.

Ўлка босиб олингач, айтилганидек, бу ҳудудларда руслаштириш ва аҳолини Россиядан кўчириб олиб келиш сиёсати авж олди. Фарғона водийсида ҳам руслар истиқомат қиладиган қишлоқлар вужудга келди. Фарғона вилоятидаги биринчи рус манзилгоҳи Покровский номи билан Ўш уездининг Куршаб деган жойида барпо этилди. 1897 йили эса Наманган уездида Успенское, 1898 йили Андижонда Николаевское номи қишлоқлар пайдо бўлди. Айни шу йилда содир бўлган Андижон кўзғолонидан кейин водийга рус аҳолисининг кўчиб келишлари давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида авж олиб кетди. 1899 йили Минг тепа қишлоғи ўрнида янги Русское қишлоғи пайдо бўлди. Қишлоқнинг аҳолиси бир қисми ҳайдалиб, бир қисми йўқ қилингандан кейин Россиянинг марказий районларидан 200 та рус оиласи бу ерга кўчириб олиб келинди.

Шу йили Андижон уездида яна Благовещенское қишлоғи, 1901 йили эса Спасское қишлоғи барпо этилади[27]. 1902 йилининг охирига келиб вилоятда 674 оиладан иборат 7 та рус қишлоқлари пайдо бўлди. Янги кўчиб келган рус аҳолиси учун кўплаб имтиёзлар берилганига қарамадан, улар зўравонлик билан маҳаллий аҳоли ерларини ҳам тортиб олабошладилар. Бундан хавотирга тушган рус маҳаллий маъмурияти 1904 йили Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, марказий губерниялардан кўчиб келаётганларнинг ўзбошимчалик ва босқинчиликларига чек қўйиш учун ёрдам сўраган[28]. Бироқ аҳолининг мурожаатларига рад жавоб берилган[29].

Андижон уездидаги волостлардан Кўгарт, Ясси ва Ўзганда вазият анча қалтис эди. Бу волостларда Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Семиречинск ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Полтава, Томск ва Воронеж губернияларидан кўчиб келган аҳоли жойлашган эди. Шундан Кўгарт волостидаги 4 та посёлка Кўк ёнғоқ, Жиргатол, Қора челак ва Торон маҳаллий маъмурият руҳсатисиз барпо этилган эди[30]. 1908 йили Кўгартга яна 200 та оила келганини Андижон уезди ҳокими Фарғона ҳарбий губернаторига маълум қилиб, уларнинг оғир моддий аҳволда эканлиги ва тез орада уларнинг орасида очарчилик бошланиши мумкинлиги ҳақида хабар берган[31]. Айни вақтда маҳаллий аҳоли ва кўчиб келганлар ўртасида тўқнашув бўлмаслиги учун уезд бошлиғига ҳарбий кучларни юборилиши сўралган.

1911 йилга келиб Фарғонада рус манзилгоҳларининг сони 23 тага етади. Булар Скобелев уездида 1 та, Ўшда 5 та, Наманган уездида 3 та, Андижон уездида 14 та бўлган[32]. Статистик маълумотларга қараганда, 1913 йилга келиб Фарғона вилоятида 42 та рус манзилгоҳи бўлиб, уларда 12 648 кишидан иборат 2323 оила яшаган. Уларнинг ихтиёрида 22 995 десятина экин майдонлари бўлган. Биринчи жаҳон уруши даврида вилоятга уруш бўлаётган жойлардан қочоқлар кўчиб кела бошланган. Шу йилнинг 21 октябрига келиб бундай кишилардан Скобелев шаҳрида 8918 киши жойлаштирилди. Улар билан машғул бўлувчи махсус комитет тузилган. Уларнинг кўпчилиги казармаларга ва 68 та шахсий уйларга жойлаштирилди. Тиббий хизмат яхши кўрсатилмаганидан қочоқлар орасида тиф, безгак ва бошқа юқумли касалликлар тарқалиб кетган.

Скобелев шаҳрига яна 14 минг ҳарбий асир жойлаштирилгани Фарғона вилояти ҳарбий губернаторини анча хавотирга солиб қўйган: “Шаҳар аҳолисидан 2,5 баробар кўп ҳарбий асирларнинг келиши шаҳарни жуда оғир аҳволга солиб қўйган”, деб ёзган эди генерал.

Хулосаси сифатида таъкидлаш лозимки, Россия империясининг Қўқон хонлигига ҳарбий юришлари босқинчилик характерида эга бўлиб, унинг натижасида хонлиkning катта ҳудудлари XIX асрнинг ўрталаридан Россия таркибига киритилди. 1865 йили июнь ойида Тошкент шаҳри босиб олингач, босқинчилар бу шаҳрни Ўрта Осиёни босиб олиш учун асосий таянч марказга айлантирдилар. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, Россиянинг Туркистонни босиб олиши яна тизимли тарзда, узоқ мақсадларни кўзда тутилган ҳолда олиб борила бошланди. 1876 йили 19 февраль Қўқон хонлиги тугатилди ва унинг ўрнида янги мамурий ҳудуд Фарғона вилояти тузилиб, уни ҳарбий губернатор бошқарадиган бўлди. Вилоят шаҳарлар, уездлар, волост ва қишлоқ жамоларига бўлинди. Руслаштириш ва

рус аҳолини Туркистонга кўчириб келтириш сиёсати изчиллик билан амалга оширила бошланди.

Янги кўчиб келтирилган аҳоли ва рус қўшинлари учун вилоят шаҳарларида рус қисм (ёки янги қисмлар, европаликлар яшайдиган қисм) лар ташкил қилинди. Шаҳарларнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмларда рус аҳолиси камдан-кам яшаган. Шу билан водий шаҳарлари янги урбанизацион ва янги иқтисодий муносабатлар доирасига тортилди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар шаҳар меморчилиги, шаҳарсозлик анъаналари ва маданиятига таъсир этди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Urban Development Code of the Republic of Uzbekistan.-Tashkent, 2015.-112 p.
2. Muhammad Reza Margilani. Historical Saint // Manuscript. UZR FASHI. - №11108. - 120 sheets; Isaac's Example. History. Fergana // Manuscript. UZR FASHI. - № 11616.1b-76 - sheets; Mulla Olim Mahdum Haji. History of Turkestan / Prepared by T. Alimardonov, N. Abdul Hakim. - Against: Nasaf. 1992. - 148 p. Mirzo Olim Mahdum Xoji. History of Turkestan / Editor-in-Chief Z. Choriev, foreword and comments by Sh.Vakhidovniki, Arabic translation by Sh.Vakhidov and R.Khalikova, indicators by Sh.Vakhidov and D.Sangirova. - Tashkent, Yangi asr avlodi, 2008. - 242 p.
3. Valixanov Ch.Ch. Note on Kokand khanate. Sobranie sochineniy. V 5-ti tomakh. T. 3. - Alma-Ata, 1985. - p. 314-324; Velyaminov-Zernov V. Istoricheskie izvestiya o Kokandskom xanstve ot Muxammada-Ali do Khudayarkhana // Zapiski Vostochnogo Otdeleniya Rossiyskogo Arxeologicheskogo Obshchestva, 1859-ch IV. - B. 329-370 .; This is the author. Information about Kokand khanate // Vestnik Russkogo Geograficheskogo obshchestva. - St. Petersburg. 1856. -T.18. - S.108-151; Nalivkin V. A brief history of the Kokand Khanate. - Kazan: typography of the Imperial University. 1886. IV 215 s .; That author. Tuzemtsy. Ranshe i teper./ Izdanie A.L. Kirsnera. - Tashkent:
4. Elektrich. Tipo-lit. «Turk. T-va Pechatnogo D'la ». 1913. - 144 s; Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Volume I-III. New Margelan: Publication of the Fergana Regional Statistical Committee. 1890-1891. (Tom I - 402 s; Tom II - 288 s; Tom III - 476 s); Middendorf A.F. Essays Ferganskoy doliny // Translation with German V.I.Kovalevskogo. - St. Petersburg: 1872. - 604 p.
5. Azadaev F.A. Tashkent in the second half of the XIX century. // Essays on socio-economic and political history. - Tashkent: Izd-vo An UzSSR, 1959. - 242 p .; Azimov I. Architectural monuments of the Fergana Valley. - Tashkent: Uzbekistan, 1986. – 71 p.; Akramov V.A. Socio-economic and cultural life of Kokand (second half of the XIX century and the beginning of the XX century). - Tashkent: Institute of History of the Academy of Sciences. 1973. - 220 p .; That author. Development of the city of Kokanda in the second half of the XIX - beginning of the XX century. // History of Kokanda. - Tashkent: Fan. - S.5-41 .; Akramov Z.M. Namangan region. Historical-geographical essay. - Tashkent: Fan, 1954.– 30 p .; Galitskiy V., Ploskix V. Starinnyy Osh. - Frunze: Ilim, 1987. - 175 p .; Ziyoev H.Z. Annexation of Tashkent to Russia. - Tashkent: Fan, 1966. -116 p .; Qosimov Y. Excerpts from the history of Namangan (until 1917). - Tashkent: Fan, - 1991. 56 p .; Krukovskaya S.M. Meet with Kokand. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - 171 s .; Mukhtarov A. Ocherk istorii Ura-Tyubinskogo vladeniya v XIX v. –Dushanbe: Izd-vo AN Tadj.SSR, 1964. – 186 p .; Nilsen V.A. U istokov sovremennogo gradostroitelstva Uzbekistana (XIX - nachalo XX vekov). - Tashkent: Fan, 1988. - 208 p.
6. Abdullaev O. Namangan region. Namangan. 1995. - 148b .; Abduraximova N.A., Rustamova G. Kolonialnaya sistema vlasti v Turkestane vo vtoroy polovine XIX - I chetverti XX veka. - Tashkent: Universitet, 1999. - 162 p .; Abdurahimova N.A., Ergashev F.R. Tsarist colonial system in Turkestan. – Tashkent: Academy, 2002.– 240 p .;
7. Agzamova A. Cities of Uzbekistan in the middle of XVI-XIX centuries. – T .: Sparks of literature, 2017.– 228 p .; Cities and urban life of Uzbekistan in the first half of the XVI-XIX

- centuries.: Doctor of History ... diss. - Tashkent, 2000. - 348 p.; That author. Crafts and trade in late medieval Central Asian cities. - Tashkent, 2000. - 342 p.; Ziyaeva D. Cities of Uzbekistan in the second half of the XIX - early XX centuries: urban culture and urbanization. - Tashkent: New edition, 2017. - 440 p.; Scientific research and expeditions in the field of natural sciences in the territory of Uzbekistan (late XIX-early XX centuries) [Text] / project manager D.H. Ziyaeva. - Tashkent: Akademnashr, 2019. - 416 p.; Shadmanova S.B. Medicine in Turkestan: traditions and innovations (late 19th and early 20th centuries). - Tashkent: Akademnashr, 2019. - 232 p.; Ahmadjonov G'.A. The Russian Empire in Central Asia. - Tashkent: «Talim manbai», 2003. - 267 p.; Bababekov X.N. History of conquest of Central Asia by Tsarskoye Selo in secret documents. - Tashkent, 2006. - 70 p.; That author. History of Kokand. - Tashkent: Fan, 1996. - 240 p.; Sangirova D. History of Muhammad Aziz Margilani Azizi's work is an important source: History. fan. nomz. diss - Tashkent: UzR FA SHI, 1999. - 162 p.
8. Soodanbekov S. S. Obshchestvennyy i gosudarstvennyy stroy Kokandskogo khanstva. - Bishkek, 2000. - 144 p.; Beysembiev T. K. High administration of Tashkent and southern Kazakhstan in the period of Kokand khanate: 1809–1865 gg. / Istoriko-kulturnye vzaimosvyazi Irana i Dasht-i Kipchaka v XIII - XVIII vv. Materials of the international circular table. - Almaty: Dayk-Press, 2004. - p. 291–313.; Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. - Oxford, 1959. - 80 p.; Central Asia in historical perspective. Edited by Beatrice Mans. - Oxford: Westview press, 1994. - 245 p.; Saray M. The spread of Russia to the Turkic lands. - Istanbul, 1975. - 35 p.; That author. Political relations between the Ottoman state and the Turkestan khanates during the Russian occupation (1775–1875). - Ankara, 1994. - 74 p.; Kim Hongdong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864–1877. - Stanford, 2004. - 295 p.; Travels in Central Asia being the account of a journey from Teheran across the Turkoman desert on the eastern shore of the Caspian to Khiva, Bokhara and Samarcand performed in the year 1863 by Arminius Vambery, Member of Hungarian Academy of Pesth, by whom he was sent on this scientific mission. London. John Murray, Albemarle Street, 1864; Eugene Schuyler. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. - New York, 1885. Vol. II.; Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., M.R.A.S., F.R.G.S. with frontispiece, maps, and illustrations, in two volumes. London. Sampson Low, Martson, Searle and Rivington. 188, Fleet Street. 1885.
 9. Farmonova B.A. Remeslennoe proizvodstvo v Ferganskoy doline vo vtoroy polovine XIX - nachale XX v. Diss. kand.ist. science. - Tashkent: Institute of History of AN Uzbekistan, 1995. - C. 23.
 10. Yusupova M. Halfway through the transformation of architecture in Uzbekistan: at the beginning of the "new cities" of the Fergana Valley, the end of the XIX - beginning of the XX century. // Scientific editor: E.V. Rtveladze. - Tashkent, 2005. - P. 28.
 11. Lavrentev V.L. Capitalism in Turkestan. - Moscow, 1930. - 151 p.; Musaev N.U. The emergence of capitalist relations of production in Turkestan (late nineteenth and early twentieth centuries). - Tashkent: Tashkent State Technical University. 1995. - 106 p.
 12. The etymological meaning of Havokand is "Havokent", which means the city of winds. See: Vohidov Sh. Historiography in the Qoqan khanate. Tashkent: Akademnashr, 2010. - B.3.
 13. Kuselevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Tom I.-Novyy Margelan: Publication of the Fergana Regional Statistical Committee. 1890. - C. 67.; Yusupova M. Polveka transformatsii arhitektury Uzbekistana: na primere «novykh gorodov» Ferganskoy doliny, kontsa XIX - nachala XX v ... - C. 32.
 14. Vremennoe polozhenie "O voennom upravlenii v Ferganskoy oblasti" / O'zR MDA. I-19, List 1, Case 126, pp. 21-24; Project of the current situation in the management of the Fergana region (signed by Lieutenant-General Kopakovskiy) on March 19, 1876. / MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, Case 126, Sheets 1-13.

15. Yusupova M. Polveka transformatsii arhitektury Uzbekistana: na primere «novykh gorodov» Ferganskoy doliny, kontsa XIX - nachala XX v ... - С. 32.
16. Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region ... Tom I. - S. 77. [15] Из Коканда. // Туркестанские ведомости. 18.ноябр. 1893.
17. Nilsen V.A. U istokov sovremennogo gradostroitelstva Uzbekistana (XIX - nachalo XX vekov). - Tashkent: Fan, 1988. - p. 119.
18. Chabrov G. Ocherk istorii planirovki i stroitelstva russkix gorodov Turkestanskogo kraya (1865-1916). - Tashkent, 1945. - С. 232.
19. These are: Maaz ibn Jabal, Nadimat, Tashlak, Khotun ariq Bahrin, Gulchaman, Mashad, Eshan gate, Alti ariq, Sari mazar, Suk tepa and Chimyon. See Pisarchik A.K. Some dannye po istoricheskoy topografii gorodov Fergany // Sbornik statey, posvyashchennyx isskustvu tadzhikskogo naroda. Stalinabad, 1956. - P.157.
20. Kushelevskiy V.I. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region. Tom II. - New Margelan: Published by Fergana Oblast Statistical Committee. 1891. - С. 56.
21. Yusupova M.A. K istorii arxitekturnogo oblika Margilana kontsa XIX-nachala XX veka // Margilan city in the history of world civilization. - Tashkent-Margilan: Science, 2007. - P.136-141.
22. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-16 fund, list 1, 30779 work
23. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, Case 290, 13 sheets.
24. Akramov Z.M. Namangan region (historical-geographical essay). - Tashkent: Fan. 1954. - С. 11-24.
25. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19.1. Case 26524, 34 pages.
26. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19.1 list 30780 work
27. Kushelevsky V.U. Materials for medical geography and sanitary description of the Fergana region ... Volume I. - P. 109.
28. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-1, List 17, Work 428, Sheets 1-25. See also: Fergana region in 1902. / Ejegodnik Fergana region. Volume III. Issue 1903. New Margelan. 1903. - С. 7-8.
29. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-1, List 17, 294 cases. 11 sheets.
30. MDA of the Republic of Uzbekistan. I-19, List 1, 505 cases. 4 sheets.
31. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-17. list -1, 5049 work. 1 sheet.
32. MDA of the Republic of Uzbekistan. F-25. list -1, 56 work. 30 sheets
33. Masalskiy V.I. Turkestanskiy kray ... - S.300 .; Pereselencheskoe delo va Turkestanskom krae (oblasts Syr-Darinskoy, Samarkandskoy i Ferganskoy). Report on slujebnoy poezdke in Turkestan osenyu 1910 g. Чиновника особых поручений при переселенческом управлении Н. Гаврилова. – Санкт-Петербург, 1911. – С. 152.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000